

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

556 Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2878-1

Кенгаш мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасидан келиб чиққан ҳолда Республика кенгаши **қарор қилади:**

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан Кенгашнинг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 2878, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 347-модда) 3-илоvasи қуйидаги мазмундаги йигирма еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан текширишлар ўтказиш.»

Йигирма еттинчи хатбоши йигирма саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**Бош вазир,
Кенгаш раиси**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 июнь,
2-сон